

АХСИКЕНТ АРХЕОЛОГИЯ ЁДГОРЛИГИ

Турдалиев Алижон

*Турон ФА ҚДПИ профессори, пфн., академиги,
Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси,*

Ахсикент жаҳон тамаддунининг тилло бешигини тебратган шаҳарлардан бири, неча-неча алломаларни, буюк сиймоларни оқ ювиб, оқ тараган она шаҳардир. Дарвоқе, ўз вақтида тарихчи олим Маҳмуд бин Вали ҳам: “Ахсикент-Фарғона шаҳарларининг онасидир” деган эди.

Маҳмуд бин Вали ҳам

Аннотация: *Ушбу мақолада Қадимий Фарғона пойтахти Ахсикент шаҳри ва унинг тарихи ҳақида энг қисқа ва лекин энг қимматли маълумотлар уч тилдаги таржимаси билан берилади. Шунингдек Ахсикентни халқаро сайёҳлик манзилига айлантириш истиқболлари ҳақида ҳам фикрлашилади.*

АХСИКЕНТ

Вилоятнинг яна бир кўҳна шаҳри Ахсикентга милоддан аввалги 3 асрда асос солинган. Мозийшунос олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар қадим Фарғона конфедерация давлатининг пойтахти Фарғона шаҳри ҳам, айнан, Ахсикентда бўлганлигини тасдиқлайди.



Археологлар ўз вақтида Ахсикентнинг ўз қалъаси, шаҳристони, работи ва тўрт дарвозаси бўлганлигини аниқлаганлар. Бу дар-возалар Мардикуш, Косон, Мас-жиди Жомеъ ва Регхона деб номланган. Тадқиқотлар шаҳристон худудида темир, мис, пўлат эритадиган печлар, металл тоблайдиган ўчоқлар, эркаклар ва аёлларнинг ҳаммомлари бўлганини аён қилди. Шарқда “Дамашқ қиличи” номи билан машҳур бўлган, эгилса ҳам синмайдиган мўъжиза қиличлар, айнан, Ахси-кент устахонларида тайёрлангани ҳам бугун исбот этилган ҳақ-қатдир. Бу қуроллар 1650 даража ҳароратни кўтарадиган сопол қозонлар, тигелларда эритилган пўлатдан ясалган. Буюк Британиялик олим Т.Рехреннинг изла-нишлари шуни аён қилдики, Ахсикентда йилига 10 тонна пўлат ва 5 мингта қимматбаҳо қилич тайёрланган.

“Антик давр Ахсикенти кулолчилигида турли ҳамжмдаги косалар, хумлар, сирланган қадаҳсимон идишлар тайёрланган, - деб ёзган эди олим Йўлчи Қосимов. – Эрамизнинг 9-12 асрларига келиб эса Ахсикентда ясалган



кулолчилик буюмларига табиат манзаралари, қушлар, ҳайвонлар тасвири, ов кўринишлари чизилган. Бу ерда тайёрланган сопол тахта-лар, лаган, кўза, сиёҳдон, чироқ, рангли шиша-лар, гўзал ва бадий мукамал зебу зийнат буюмлари чет эл бозорларида ҳам машҳур эди”.


Ахсикент топилмаларидан намуналар Тошкент, Самарқанд, Санкт-Петербург, Киев, Париж, Лондон, Вена, Нью-Йорк каби шаҳарларнинг тарих ва санъат музейларидан ўрин олган.

Бугун Ахсикентни очиқ осмон остидаги музейга, халқаро туристик масканга айлантириш учун жадал ҳаракат олиб борилаётир. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар ўзларини олис ва сирли мозийга саёҳат қилгандек, шоирлар султони Асируддин, яна бошқа ўнлаб Ахсикатий алломалар, шоирлар, бу шаҳарни ўзига пойтахт қилган темурий шаҳзода Умаршайх Мирзо, унинг оламаро машҳур фарзанди, болалиги шу жойларда кечган Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан хаёлан суҳбатлашгандек ҳис этишлари аниқ.




**Археолог А.Анарбоев япониялик олимлар билан
Ахсикент археологик ёдгорлигида. 2015 йил ноябрь.**





Ахсикент ёдгорлиги харитаси



Ахсикент Буюк ипак йўли харитасида.

Ахсикент ёдгорлиги шаҳристон қисмининг шимолий-ғарбий ва шарқий қисмида ҳунармандчилик маҳалласи қолдиқлари ўрганилган. Устахоналар камида икки ёки уч хонадан иборат бўлган. Агар устахона уч хонали бўлса, улардан биринчиси ишлайдиган хона бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш билан боғлиқ асосий ишлар амалга оширилган. Иккинчи-омборхонада хомашё ва тайёр маҳсулотлар сақланган. Учинчи хонада дам олинган, овқатланилган ва зарур бўлганда буюртмалар олинган.

Ҳунармандларнинг кўпчилиги темир, пўлат ишлаб чиқариш ва улардан хилма-хил буюмлар ва қуроллар тайёрлаш билан банд бўлганлар.

Маълум бўлишича, Ахсикентнинг устаси фаранг ҳунармандлари бойитилган темирдан соф пўлат (“булат”) олишни билганлар. Бунинг учун махсус каолин лойидан тайёрланган цилиндр шаклидаги идиш (“тигель”) га

бойитилган темир хомашёсини солиб, унга ёғоч кўмир ва бошқа бизга номаълум бўлган қўшимчаларни қўшиб, сўнг махсус печга қуйилган. Печнинг ичи ҳам каолин лойи билан сувалган. Каолин лойидан тайёрланган махсус идиш (тигель) ва печ 1650-1700 градус иссиқликка чидаган. Пўлат ишлаб чиқариш технологияси сир тутилган. Тайёр бўлган пўлатни идишда совутиб, сўнг уни идишни синдириш йўли билан олинган. Бундай пўлатдан тайёрланган қиличларнинг баҳоси жуда юқори турган. Шунинг учун бундай қуроллар кўпинча бой бадавлат одамлар ёки савдогарлар буюртмаси асосида тайёрланган.

Ахсикентда тайёрланган қуроллар “Дамашқ қиличлари” номи билан дунёга машхур бўлган. Масалан, араб тарихчи географлари Муқаддасий ва Ибн Ҳавқал ёзиб қолдиган манбаларда, Уструшона темири Фарғона (Ахсикет) усталари қўлига тушгач, инсон ақли етмайдиган қуролларга айланган, дейилган. Ушбу қуроллар икки хил бўлиб, бири ҳинд пўлатига ўхшаб қаттиқ пўлатдан, иккинчиси юмшоқ пўлатдан тайёрланган. Масалан юмшоқ пўлатдан тайёрланган қиличлар тўғрисида маҳаллий халқ орасида ҳар-хил ривоятлар юради. Улардан бирида айтилишича, қадимда шаҳарни узоқ вақт душманлар қамал қилиб, забт этиша олмагач, шаҳар ҳукмдорига мурожат қилиб, уни ўзаро учрашувга чақирибдилар. Учрашув алоҳида иккала томонга ҳам тегишли бўлмаган жойда ташкил қилинган. Шаҳар ҳукмдори машхур қиличбоз бўлганини билган душман вакиллари унинг қуролини олиб, сўнг ўз кўмондонлари олдига киритганлар. Қиличбоз хонага кириб салом бергач, атрофга қарайди ва хонада армия бошлиғидан ташқари яна бир неча қуролланган одамлар борлигини кўриб, ҳайрон қолади. Нима учун ёв қўриқчилари уни қуролсиз учрашувга киришини талаб қилганликларини тушуниб етади. Ёв аскарлари қиличбозга ҳамла қилмоқчи бўлиб тайёрлана бошлайдилар. Буни сезган қиличбоз, либоси ичидан белига ўраб бойлаб олган қиличини олиб, душманга ташланади ва бир зумда улар устидан ғалаба қилади. Ушбу ривоят эгилса ҳам синмайдиган, тошга урса кесадиган, юмшоқ пўлатдан тайёрланган Ахсикет қиличлари ҳақидадир.

Сўнги йилларда археологлар, тарихчилар ва юртимиз фидойи зиёлиларининг сайъи-ҳаракатлари натижасида Ахсикент тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди. Бу борада 2016 йил 12 апрелда Ахсикентда “Ахсикент тарихини ўрганиш ва уни сайёҳлик манзилига айлантириш истиқболлари” мавзусида ўтказилган анжуман катта рол ўйнади. Бу анжуман иштирокчиларининг таклиф ва тавсиялари бу қадимий пойтахт шаҳар тарихини ўрганиш зарурлигини асосладилар ва унинг теварак-атрофини ободонлаштирилса, халқаро сайёҳларни жалб этиш имкониялари мавжудлигини очиб бердилар. Бу эса шу соҳада дадил ҳаракатлар бошланиб кетишига сабаб бўлди.



Натижада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрда “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш, ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш хақида” ги №831 Қарори қабул қилинди ва бу соҳада катта ишларни олиб борилиши учун кенг йўллар очиб берди. Шундан сўнг очиқ осмон остидаг музей сифатида Ахсикент тарихидаги X асрга тегишли ер ости сув тизими ва маиший уй қолдиқари дастлабки объект сифатида усти ёпилиб экспозицияга тайёрланди. Ва куплаб вилоятга келган меҳмонлар ва хорижликлар ва хатто Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам Наманган вилоятига ташрифи чоғида шу ёдгорликда бўлиб, келгусидаги истиқболлари юзасидан зарур топшириқларни берди.

Шу кунларда эса, 2021 йилда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини ошириш бўйича бўлиб ўтадиган халқаро анжуманга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Шу тадбир доирасида “Тамаддун- 21” ИИЖБ аъзолари томонидан Ахсикент тарихига оид энг долзарб мавзуларда: “Фарғона -Ахсикет қиличлари”, “Ахсикетнинг самовий отлари”, “Хитой элчиси Чжан Цяннинг Фарғонага келиши”, “Темурийзода Умаршайх Мирзо”, “Ахсикент Буюк ипак йўлида”, “Ахсикент бозори” номли рангтасвир картиналари яратилмоқда.

Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари А.Турдалиевнинг “Ахсикент –Фарғона шаҳарларининг онаси!”, Б.Умаровнинг “Ахсикет қиличлари” деб номланган картиналари Ахсикент ёпиқ музейи учун экспонат сифатида яратилган илк асарлардир. “Ахсикет қиличлари” асарида Ахсикент қалъаси яқинидаги қиличсозлик устахонаси тасвирланган бўлиб, айни пайтда машҳур ва қимматбаҳо эгилса синмайдиган, тошга урса кесадиган, “Дамашқ қиличлари” номи билан машҳур бўлган қиличларни буюртмачи - харидорларининг устахонага келиши ва қиличларни кўздан кечираётгани, синовдан ўтказаяётган пайтини тасвирлаганмиз. Ахсикент қиличи устаси ўзи ясаган қилични бемалол эгиб намойиш этмоқда. Харидорлар эса ҳайратда. Орқа фонда Сайхун дарёси ёқасидаги қадимий Ахсикент қалъаси кўзга ташланади.

Хулласки, Ахсикент ёдгорлигини ўрганиш ва уни энг замонавий талабларга жавоб берадиган кўркам сайёҳлик манзилгоҳига айлантириш мақсадида аввало унинг тарихини чуқур ўрганиш, археологик қазишмалар олиб бориш ва ноёб топилмаларни жамлаб бориш, мукаммал концепция асосида очиқ осмон остидаги музей учун объектларни сошлаш, намойиш этишга тайёрлаш зарурий масаладир. Ахсикент тарихидаги муҳим воқеалар асосида бадиий жиҳатдан мукаммал картиналар яратиш. биз ижодкорлар олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.





Б.Умаров. “ФАРФОНА –АХСИКЕТ ҚИЛИЧСОЗЛИК УСТАХОНАСИДА.”.
115x160. М.,м. 2018 й.



А.Турдалиев. “АХСИКЕНТ ФАРФОНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ОНАСИ”.
X аср. 75X115. М.,м. 2018 й.





Ахсикент ёдгорлиги. Очик осмон остидагт музей. 2019 й.

Бугун Ахсикентни очик осмон остидаги музейга, халқаро туристик масканга айлантириш учун жадал ҳаракат олиб борилаётир.

В настоящее время проводятся большие работы по превращению городища Ахсикента в Музей под открытым небом.

Currently, much work on the transformation of the settlement of Akhsikent into an open-air Museum is being carried out.



АХСИКЕНТ ёдгорлиги.

Манзил:

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Гулқишлоқ МФЙ





“Тамаддун- 21” ИИЖБ аъзолари Ахсикент ёдгорлигида. 2016 й.



Ахсикентда қазиишма пайтида топилган ноёб топилмалар



АДАБИЁТЛАР:

1. Қозоқов Т. Акси –Фарғона шаҳарларининг онаси. Т., Наврўз.2018 й.
2. Қосимов Й. Қадимги Фарғона сирлари. Н., Ударник нашриёти, 1992 й.
3. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2011 й.
4. Ибн Хордадбек. Книга путей и стран. Баку, Элм, 1986 й.
5. А.Анарбаев. Ахсикет- столица древней Ферганы. Институт археологии им. Я. Гулямова. АНРУз. . Т., Изд. “Taffkkur”, 2013 г.
6. Ахсикент. Тузувчилар: Р.Умматов, И. Юсупов, Э.Мирзалиев. НамДУ. Т., “MUMTOZ SOZ “, 2009 й.

